

CONTROL MANAGER SYSTEM TEXHOLOGIYALARINING DASTURIY MUAMMOLARI

Хонтўраев Сардорбек Исроилович

*“Ахборот технологиялари” кафедраси катта ўқитувчиси,
Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиали*

Ушбу мақолада CMS(Content Management System – Контенларни бошқариш тизими)лар ва уларнинг имкониятлари ҳамда улардаги дастурий муаммо ва камчиликлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, CMS дастурларининг энг кенг тарқалган турлари бўлган WordPress, Joomla, Simple Machines лар имкониятлари, бир – биридан фарқли тамонлари кўрсатилган.

Таянч сўзлар: Веб сайт, CMS, WordPress, Joomla, Simple Machines, сайт кўринишлари, интерактив амалиётлар

В этой статье представлена информация о CMS (Content Management System) и их возможностях, а также проблемы программного обеспечения и недостатки в них. Наиболее распространенными типами программного обеспечения CMS являются WordPress, Joomla, Simple Machines и другие. В статье приводится их различия.

Ключевые слово: Веб сайт, CMS, WordPress, Joomla, Simple Machines, шаблоны сайта, интерактивные услуги.

This article provides information on the CMS (Content Management System) and their capabilities, as well as software problems and weaknesses in them. The most common types of CMS software are WordPress, Joomla, Simple Machines and others. The article presents their differences.

Keywords: Web site, CMS, WordPress, Joomla, Simple Machines, site templates, interactive services.

Ҳар қандай сайт HTML (Hyper Text Markup Language), JavaScript, PHP каби бир талай тилларга оид кодлардан ташкил топган саҳифалар йиғиндисидан иборат бўлади.[1] HTML – бу сайт саҳифаларини ташкил этишда ишлатиладиган энг асосий ва энг керакли тил ҳисобланади.[2]

Ҳозирги даврда, агар Сиз сайт яратмоқчи бўлсангиз, HTML ёки бошқа бирор мураккаб web дастурлаш тилини билишингиз мажбурий эмас.[3] Ҳатто бирорта ҳам кодни ёза олмасангиз ҳам замонавийлиги, дизайни, мураккаб амалиётларни бажара олиши жиҳатларидан замон талабларига тўла жавоб бера

оладиган сайт ярата олиш имкониятига эгасиз. Бунда Сизга CMS ёрдам беради![4]

CMS (Content Management System– Контентларни Бошқариш Тизими) – бу махсус web дастур бўлиб, бир неча оддий босқичлардаги амалиётларни бажаргандан сўнг тўла куч билан ишлай оладиган сайт яратиш имкониятини беради.[5] Бундай турдаги web дастур, худди компьютерлар учун мўлжалланган дастурлар сингари, бир неча босқичларда фойдаланувчидан сайт ҳақида бошланғич маълумотларни йиғиб олади ва босқичма-босқич сайтингизни автоматик тарзда ташкил этиб беради.[6] Дастурни ўрнатиш жараёнининг ниҳоясида Сиз киритган маълумотларга таянган, ўзингиз хоҳлагандек сайт автоматик тарзда яратилади.[7]

Қуйида энг кенг тарқалган ва бугунги кунда кўпчилик сайтларнинг асоси ҳисобланган CMS дастурларини келтириб ўтмоқчиман.[8] Бу ерда фақат энг кўп фойдаланиладиган, асосий дастурларгина келтирилган.[9] Сайт яратишингиз мумкин булардан бошқа яна кўплаб дастурлар мавжуд.[10]

1. WordPress. Ушбу CMS асосан блог (бирор шахс, жой ёки алоҳида мавзуга бағишланган, тез-тез янгилаб туриладиган, қисқа мақолалар ва маълумотлар киритиб бориладиган ўрта ҳажмдаги сайт) учун мўлжалланган.[11] Аммо бугунги кунга келиб бу CMS шу қадар мукамаллашиб кетдики, ҳозирда уни ҳатто портал сайтлар учун ҳам ишлатишмоқда.[12]

WordPress – фойдаланиш учун жуда осон, қулай ва энг асосийси 100% бепул бўлган дастур.[13] Уни WordPress'нинг расмий сайти www.wordpress.org орқали юклаб олишингиз ва фойдаланишингиз мумкин. Асосий CMS дастурдан ташқари WordPress учун миллионлаб шаблонлар (сайт кўринишлари) ва плагинлар (дастур ичида ишловчи кичик қўшимчалар) яратилган.[14]

Агар Сиз ўзингиз учун шахсий саҳифа очмоқчи бўлсангиз, сеvimли қўшиқчингизга бағишлаб сайт яратмоқчи бўлсангиз ёки ўзингиз учун қизиқ бўлган бирор мавзуга оид мақолаларингизни бутун дунё билан бўлишмоқчи бўлсангиз WordPress'ни танланг![15]

Ўзбекистонликлар WordPress'ни ҳам эгаллашга улгуришди! Энди WordPress CMS'ни ўзбек тилида ҳам ишлатишингиз мумкин.[16] Унинг Ўзбекистон учун махсус расмий саҳифаси ҳам бор: uz.wordpress.org

2. Joomla! Бу CMS асосан катта сайтлар ва порталлар учун мўлжалланган. Оммавийлиги бўйича WordPress'дан кейинги ўринда турса ҳам, ишлатиш жуда қулай, ишончли ва бепул CMS ҳисобланади. Дастурнинг расмий сайти www.joomla.org орқали юклаб олишингиз мумкин.[17]

Агар Сиз катта портал яратмоқчи бўлсангиз, сайтингиз фойдаланувчилари рўйхатдан ўтиб, сайтингизда “фойдаланувчи-сервер” алоқаси кўринишидаги мураккаб амалиётларини бажара олишини хоҳласангиз, жуда кенг қамровли

катта сайт яратмоқчи бўлсангиз Joomla! Сиз учун энг яхши танлов бўла олади.[18]

3. Simple Machines. Форум ташкил этиш учун жуда қулай CMS. Унда фойдаланувчилар рўйхатдан ўтишлари, мавзулар яратишлари, мавжуд мавзуларда ўз фикрларини билдириш орқали қатнашишлари ва бошқаларнинг фикрларини тўлдиришлари мумкин. Бу CMS vBulletin каби катта имконият ва кучга эга бўлмаса ҳам, оддий даражадан юқорироқ бўлган катта форум сайтларни бемалол бошқара олади.[19]

CMS танлаш жараёнида фақат Сиз танламоқчи бўлган CMS'нинг шаблонларига, сайтнинг ташқи кўринишини белгилайдиган жиҳатларигагина эмас, балки сайтнинг энгил ишлаши, хостингингизда кўп жой олмаслиги (агар бунинг зарурати бўлса), қидирув машиналарида осон рўйхатдан ўта олиши, фойдаланувчилар учун қулайлиги, турли браузерларда бир ҳил кўриниши каби муҳим жиҳатларига ҳам эътибор беринг.[20]

Ҳозирги кунда ҳар бир инсон кундалик ҳаёт тарзида яратилган ахборот коммуникацион технологиялар имкониятларидан, хусусан, электрон усулга онлайн тизимларидан кенг фойдаланмоқда. Чунончи, ахборот таълим тармоқлари, интернет хизматлари ва коммунал тўловларни амалга оширишда онлайн тизимидан фойдаланиш, онлайн тарзидаги савдоларда иштирок этиш, молия, банк, солиқ ҳисоботларини юритиш, масофавий таълим тармоқлари орқали соҳалар бўйича таълим олиш, онлайн-ТВ сайтлари орқали телеканал дастурларини томоша қилиш, меҳмонхоналарга буюртма бериш, темир йўл ва ҳаво йўллари чипталарини сотиб олиш ва шунга ўхшаш эҳтиёжларини қондиришда веб ресурслардан фойдаланиш сатҳи ошиб бормоқда.[21]

Яратилаётган веб ресурсларининг аксарият расмий веб сайтлар, фирма ва корхоналарнинг ташриф сайтлари, мултимедия порталлари ва ижтимоий тармоқлар ташкил этмоқда. Мамлакатимиздаги веб сайтларнинг сони кундан кунга ошиб боришига қарамай таълим характериға оид бўлган веб сайтлар кўп миқдорни ташкил этмайди. Таълим характериға оид бўлган онлайн ресурслар қанчалик кўп бўлса, республикамиз олимлари ва тадқиқотчиларининг инновация ва ихтироларидан республика аҳли хабардор бўлади..[22]

Биламизки, жаҳон қидирув тизимлари орқали ҳар қандай сайтлардаги ихтиёрий маълумотларни қидириб топиш имконияти мавжуд. Бироқ, баъзи бир сайтлардаги маълумотларни Google, Yandex, Yahoo, Apport ва бошқа қидирув тизимлари орқали сўров берилганда бизга керак бўлган маълумотни топа олмаймиз, гарчи бундай маълумот сайтда мавжуд бўлса ҳам.[23]

Веб сайтларнинг яратилишида бу икки параметр тўлиқ ва тўғри берилса, фойдаланувчига зарур бўлган маълумотларни қидириб топиш осон бўлади ва веб сайтнинг фойдаланувчилар аудиторияси кенгайишига олиб келади.[24]

Албатта, юқоридаги билдирилган фикрлар ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган веб дастурчилар эътиборига тушса биз олдимизга қўйган мақсадимизга эришган бўламиз.

Адабиётлар:

- [1] Шипулин, Ю. Г., Рустамов, Э., Абдуллаев, Т. М., & Мейлиев, С. Н. (2019). ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЙ ОПТОЭЛЕКТРОННЫЙ ДАТЧИК ТЕМПЕРАТУРЫ С ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКИМИ ЭЛЕМЕНТАМИ. In Проблемы получения, обработки и передачи измерительной информации (pp. 248-253).
- [2] Shipulin Y. et al. APPLICATION OF METHODS OF INTERMITTENT VENTILATION OF INDUSTRIAL PREMISES USING A DIGITAL DATA TRANSMISSION SYSTEM //Chemical Technology, Control and Management. – 2021. – Т. 2021. – №. 4. – С. 12-18.
- [3] Шипулин Ю. Г., Абдуллаев Т. М. Состояние и развитие интеллектуальных оптоэлектронных преобразователей перемещений на основе волоконных и полых световодов //Universum: технические науки. – 2020. – №. 5-1 (74). – С. 5-9. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
- [4] Khonturaev, Sardorbek, and Shohida Eshmatova. "Saving environment using Internet of Things: challenges and the possibilities." Современные образовательные технологии в мировом учебно-воспитательном пространстве 8 (2016): 152-157.
- [5] Халилов Д.А., Кушматов О.Э., Обухов В.А., 5 параметров линейки процессоров INTEL: серии, поколения, номера и версии в названии / Республиканская научно-практическая конференция по теме: "Проблемы применения современных информационных, коммуникационных технологий и IT-образования". 24-25 ноября 2021 г., ТУИТ СФ. г. Самарканд – с. 101-105.
- [6] Мохигул А., Мохинур А. ПОНЯТИЕ BIG DATA И ЕГО ОСНОВНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ //INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING. – 2022. – Т. 1. – №. 1.
- [7] Kodirov, E., Turgunov, B., & Muxammadjonov, X. (2019). IN THE WORLD REFUSES TO USE FACE RECOGNITION TECHNOLOGY. Мировая наука, (9), 34-36.
- [8] A. Hakimov SANOAT KORXONALARINING MA'LUMOTLAR BAZALARINI QAYTA ISHLASH TEXNOLOGIK JARAYONLARINI AVTOMATLASHTIRISH// TDTU Respublika miqiyosidagi ilmiy-texnika anjumani// 2021 C-128-129

- [9] M.Sobirov//Issiqlik jarayonlarida energiya tizimini matematik modeling vazifalari//Zamonaviy dunyoda ijtimoiy fanlar: nazariy va amaliy izlanishlar//с-2022-118-122
- [10] Xamidov E. X. MODELS OF OBJECT DETECTION SYSTEM IN VIDEO STREAMS ON A MOBILE DEVICE //Eurasian Journal of Mathematical Theory and Computer Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 21-26.
- [11] Khoitkulov, A. A., & Pulatov, G. G. (2022). DEVELOPMENT OF ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISMS TO INCREASE THE CAPACITY OF TEXTILE ENTERPRISES. *Gospodarka i Innowacje.*, 23, 142-145.
- [12] Khoitkulov A. A. Improving Organizational And Economic Mechanisms To Increase The Power Of Textile Enterprises.
- [13] Khamidovich X. E., Murodovich X. J. Parallel Programming in Java for Mobile App Development //International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 69-74.
- [14] O.I.Ergashev & V.A.Mirzakarimov & I.E.Shokirov. Таълим муассасаларида автоматлаштирилган тизимларни асосий ташкил этувчилари // Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали, “Ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникацияларнинг замонавий муаммолари ва ечимлари” Республика илмий-техник анжуманининг маърузалар тўплами. 2019, 30-31 май, III қисм – №. 5. – С. 501 – 505
- [15] Shipulin Y. et al. Intelligent microprocessor system for control and control of microclimate parameters in vegetable storages using temperature calibrators //Technical science and innovation. – 2021. – Т. 2021. – №. 4. – С. 144-152.
- [16] Горовик А.А., Обухов В.А., Исследование архитектур и принципов работы современных процессоров / Республиканская научно-техническая конференция по теме «Современные проблемы и решения информационно-коммуникационных технологий и телекоммуникаций». 16-17 апреля 2021 г., ТУИТ ФФ. г. Фергана – с. 217-219.
- [17] Обухов В.А. ТУИТ ФФ имени Мухаммада Аль-Хорезми. Диссертационная выпускная работа на тему: "Исследование современных архитектур компьютерных процессоров и разработка компьютерной программы моделирующей работу вычислительных и управляющих узлов процессора". 2022 г.
- [18] Abdurakhmonov, S. M., Kuldashov, O. K., Tozhiboev, I. T., & Turgunov, B. K. (2019). The Optoelectronic Two-Wave Method for Remote Monitoring of the Content of Methane in Atmosphere. *Technical Physics Letters*, 45(2), 132-133.

- [19] Siddikov I. K., Porubay O. V. Neuro-fuzzy system for regulating the processes of power flows in electric power facilities //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2432. – №. 1. – С. 020010.
- [20] Siddikov I., Porubay O. Neural network model of decision making in electric power facilities under conditions of uncertainty //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – Т. 304.
- [21] Khamidovich X. E., Murodovichelnur X. J. Computer-Vision Based Method for Human Action Recognition //International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 44-47.
- [22] Ходжиматов Ж. М. Параллельное программирование в Java //Молодой ученый. – 2021. – №. 22. – С. 30-34.
- [23] Khamidovich X. E., Murodovichelnur X. J. Computer-Vision Based Method for Human Action Recognition //International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 44-47.
- [24] Хамидов Э. Х. Глубокое обучение: понятие и применение //Молодой ученый. – 2020. – №. 37. – С. 8-11.